



# Ishonch

**МОҶИЯТ**  
Спорт — фарзандларимизнинг характери-ни тоблайти, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради.  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Янги кун янгиликлар

**Сирдарё**  
Оқолтин, Сирдарё, Боёвут, Сардоба туманларида янги қиёфага эга турар-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мирзаобод туманининг «Боғистон» маҳалласи худудида ҳам ана шундай шинам ва кўркам 61 та уй-жой қурилди. Уни барпо этишда «Боёвут-интерфахр», «Саид Муҳаммад Дўст», «Улуғбек», «Габарит плюс» хусусий қурилиш фирмалари жонбозлик кўрсатишди. Янги массивдан намунавий лойиҳадаги уйлар қатори мактаб, қўшлоқ врачлик пункти, спорт ва болалар майдончалари, ёғи шийпон ўрин олган. Янги гузар, 90 кишини қабул қилишга мўлжалланган қўшлоқ врачлик пункти биноси ҳам узукка кўз кўйгандай массивга жуда ярашган. Кенгаи кўнрача «Хайдар қўшлоқ» деб номланган ушбу манзил эндиликда «Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги» номи билан аталмоқда.


**Фарғона**  
Фойдаланишга топширилган Марғилон шаҳар мудофаа ишлар бўлими чақирув пунктини таъмирлаш ишларига 400 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ушбу замонавий масканди ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда армия хизматида тайёрлаш учун барча шароит яратилган. Чақирув пунктдаги тиббий хизмат кўрсатиш хоналари замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланган, — дейди шаҳар мудофаа ишлар бўлими бошлиғи Пулат Латипов.

**Навоий**  
Хатирчи туманининг Янгиработ кўрғонда «Чинобод» қўшлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. «Достон-Сардор қурувчи» фирмаси жамоасининг мазкур тўхфаси тўфайли «Парахун» ҳамда «Р.Махматов» намли МФЙ аҳолиси қўлай тиббий хизматдан фойдаланишмоқда. Энг асосийси, бир гуруҳ маҳаллий мутахассислар доимий иш ўрнига эга бўлишиди.

**Андижон**  
Балиқчи туманидаги «Ҳосил-2000» фермер хўжалиги паррандачиликни йўлга қўйди. Натияжада, бу ерда 5000 та товуқ боқилиб, 8 та янги иш ўрни яратилди. Товуқлар янги усулда, яъни мушқа садолари остида парвариланаётган. Иш бошқарувчи Хурсандбек Олимовнинг айтишича, мушқа товуқларнинг туҳуми кўпайишига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Товуқлар ҳар кун 3700 тагача туҳум қўймоқда. Маҳсулотлар тумандаги болалар боғчалари, умумтаълим мактабларига етказилапти. Ишчиларга қўлай шароит яратилиб, уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.


**Жиззах**  
«Жиззахпластмасса» очик акциядорлик жамиятида жорий йилнинг ўтган етти ойида 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил бошидан буён 200 минг долларлик маҳсулот четга экспорт қилинди. Корхонада тайёрланаётган полиэтилен қувурлар, рангли қадқлаш идишлари ва бутловчи қисмлар улловчи мосламаларга (тош) ички бозордагина эмас, ташқи бозорда ҳам ақтиб ортиб бормоқда. — Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик янгиликни муваффақият омили бўлмоқда, — дейди корхона бўлим бошлиғи Ф.Маматқаримов.

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛДИ — БИРИНЧИ МАРТА ТАИЛАНДДАН ТАШҚАРИДА!



Истиклол йилларида юртимиздан муайтай бўйича 17 нафар жаҳон, 11 нафар Осиё чемпиони, кўплаб халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорлари етишиб чиқди.

Жумладан, муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўтган йили Таиландда ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 2 олтин, 4 кумуш ва 5 бронза медалга сазовор бўлди. Пойтахтимиз мезбонлик қилган Осиё очик чемпионатида эса 4 тадан олтин ва кумуш, бир бронза медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Жорий йилнинг май ойида Австралияда ўтган Арафур ўйинларида тўрт имкониятдан тўртта олтин медални кўлга киритган терма жамоамиз «Энг яхши жамоа», деб эътироф этилди. Юртимиз тайбоксчилари томонидан кўлга киритилган бундай ютуқлар самараси ўлароқ Халқаро муайтай федерацияси (IFMA) раҳбарияти жаҳон чемпионати кунга кеча старт олди. Дунёнинг 70 га яқин мамлакатидан 800 нафардан зиёд муайтайчилар иштирок этидиган нуфузли мусобақанинг қизгин жанглари бой бўлиши кутилмоқда. Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини 50 нафарга яқин спортчи ҳимоя қилади. Улар орасида уч карра жаҳон чемпиони Мавлонбек Қаҳҳоров, жаҳон ва қитъа чемпионлари ғолиб



Суратларда: мусобақадан лавҳа; терма жамоамиз аъзоси Фирдавсий Холмуродов. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ва совриндорлари — Артур Қодирқулов, Жобир Тошпўлатов, Шерзодбек Сотқинов, Юсуф Иброҳимов, Фирдавсий Холмуродов каби спортчилар бор. Мусобақанинг очилиш маросими олдидан «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ташкил этилган ўзига хос «Шарқ бозори» чет эллик меҳмон ва спортчиларнинг ўзбек халқи маданияти билан янада яқинроқ танишишларида муҳим ўрин тугди. Бу нафақат спорт байрами, балки маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим тадбир ҳамдир. Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида санъаткорлар ижросидаги концерт ва сахна кўринишлари намойиш этилди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

### НУРОНИЙЛАР дуоси биз учун катта мукофот

**Ҳаётда қадр топмоқ инсон умрига мазмун ва барака бағишлайди. Давлат соябон бўлган, чинакам ғамхўрлик кўрсатиладиган юрт фуқароларигагина ана шундай бахт насиб этади. Бугун Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67,2 ёшдан 73,1 ёшгача узайди. Бунда ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги муҳим омил ҳисобланади.**

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини оширишга ҳартомонлама эътибор қаратилди. Мисол учун «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунни олиб қўрайлик. Унга киритилган айрим ўзгариш ва қўшимчалар давлат пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда. Ваҳоланки, шу вақтга қадар амалда бўлган пенсия қонунчилигида тўлиқсиз пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажининг минимал чегараси белгиланмаган эди. Эндиликда пенсия тайинлаш учун камида беш йиллик иш стаж талаб қилинади. Ушбу мuddат АҚШда 10 йилгача, Литва ва Эстонияда 15, Чилида 20 йил қилиб белгиланган. Умр бўйи ишламаган ёки етарли иш стажига эга бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-қарорининг 2-иловаси билан «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган. Амалдаги қонунчиликка киритилган шунга ўхшаш ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида туманимиз аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз. Ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳамда кадрлар бўлими мутахассислари иштирокида ушбу масала бағишлаб амалий ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Шунингдек, чекка қишлоқларда яшаётган фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида сайёр қабуллар ташкил этилиб, аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб берилмоқда. (Давоми 2-бетда)

## Ўқув

Касаба уюшмалари тизимида ижтимоий шериклик асосида фаолият кўрсатишга кенг эътибор қаратилганлиги иш берувчиларнинг ҳуқуқий билимини оширишни талаб этмоқда. Шунга мувофиқ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш ва иқтисодий ёта кафедрасида малака ошираётган тиббиёт муассасалари раҳбарларига касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифалари тўғрисида ҳар ойда олти соатли ўқув ташкил этилляпти. Жорий йилнинг 21 сентябрда бўлиб ўтган набатдаги ўқувда тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва захира кадрлардан иборат 191 нафар тинловчи қатнашди.


## Ходим манфаати устувор

Унда Марказий кенгаш раиси Бахтиёр Маҳмадалиев касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, Марказий кенгаш юридик бўлими бош мутахассиси У.Абдураҳмонов иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари ҳақида, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя бўлими бош мутахассиси З.Каримов жамоа шартномасини тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида маълумот беришди. — Иштирокчиларнинг касаба уюшма фаолиятига қизиқиши баландлиги бизни қувонтирди, — дейди Марказий кенгаш раиси Бахтиёр Маҳмадалиев. — Жумладан, аъзолардан йиғиладиган бадал маблағининг максимал сарфланиши, нодавлат нотижорат тиббиёт муассасаларини касаба уюшмасига жалб этиш муаммолари, шунингдек, меҳнат ёки жамоа шартномаларисиз ишга олинган ходимнинг Меҳнат кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдалана олмаслиги борасидаги қизгин савол-жавоблар шундан далолат берди. Таъкидлаш жоизки, Тошкент врач-

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

## Рағбат

Айни дамда юртимиз пахта далаларида йиғимтерин қизгин паллага қирган. Заҳматкаш деҳқонлар, уларга кўмакдош бўлаётган ҳашарчилар ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай, нест-нобуд қилмасдан йиғиб олишга бор куч-ғайратини сарфлашапти.



## Меҳнаткашларга елкадош бўлиб

Бундай долзарб паллада касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг пахтакорларга елкадош бўлиши, уларнинг ҳолидан хабар олиши аниқанага айланган. Кунга кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг бир гуруҳ масъул ходимлари қашқадарёлик пахтакорлар хузурига ташриф буюриб, уларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди. Меҳмонлар Нишон тумани далаларида бўлиб, шийпонлар аҳоли, термининг бориши ва ҳашарчиларнинг қайфияти билан қизиқишди. Жумладан, Усмон Юсупов ММТП худудида жойлашган «Каримов Абдумажид» фермер хўжалигида пахта тараётган Чирочки тиббиёт бирлашмаси ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Илгор теримчиларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари топширилди. — Бундай эътибордан жуда мамнунимиз, — деди биз билан суҳбатда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Гаваҳр Бобомуродова. — Касаба уюшмалари фаолларининг «хорманг»га келиши ҳамда совгалар тақдим этиши бизни руҳлантирди. Ҳашарчиларга ҳамма шароит яратилган. Кечки пай маданий тадбирлар уюштирилапти. Терим пуллари вақтида берилмоқда. Ҳам деҳқонларга ёрдам бераёلمиз, ҳам оиламиз иқтисодида фойдала келтираяпмиз. Учрашувдан сўнг пойтахтлик меҳмонлар «Чори Мусаев» фермер хўжалиги даласига ўтишди. Бу ерда Нишондаги Усмон Юсупов маҳалла фуқаролар йиғинидан келган ҳашарчилар фермерларга муносиб равишда кўмаклар берилмоқда. Шунинг учун МФЙ раиси Раҳимқул Жумаева Республика «Маҳалла» жамғармасининг совғаси — компютер жамланмаси топширилди. — Жорий йил дала шийпонларини мавсумга ҳозирлаш учун катта кўламдаги ишлар бажарилади, — деди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Дилбар Тўхтаева. — Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан шийпонларда ичимлик сувлари сифати текшириб борилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш, зарур дори-дармонлар билан таъминлаш ишлари ҳам доимий назоратда. (Давоми 2-бетда)



НУРОНИЙЛАР дуоси биз учун катта мукофот

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пенсия ва нафақалар тўлаш мониторингининг тўғри ва аниқ ташкил этилаётгани ушбу йўналишда муаммолар келиб чиқишининг олдини олмақда. Айниқса, пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш мониторингини гуруҳлари, пенсия ва нафақаларни тўлашга маблағ эҳтиёжини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўлимларининг ҳар бир ходими аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Туманимизда 18741 нафар пенсионер ва нафақахўр бўлиб, уларга ҳар ойда ўртача 2 млрд. 922 минг сўмлик пенсия ва нафақа пули тўланади. Жамғарма маблағларининг тўғри ва мақсадли сарфланишини таъминлаш мақсадида ҳар ой якунида далолатнома тузилиб, натижаси қатъий назоратга олинади. Пенсия ва нафақаларнинг ўз муддатиде ва тўлиқ тўланишини таъминлаш бўйича 10 та алоқа бўлимида мониторинг ўтказилиб, 6663 нафар пенсионер билан учрашув ташкил этилди. 5 ҳолатда 566 минг 88 сўм нотўғри тўловга йўл қўйганлик ҳолати аниқланиб, тегишли қорхоналарга оғоҳлантириш хати берилди ва камчиликни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Жамият раванқи, халқ бахт-саодати йўлида хизмати синган фахрийларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Туманимиздаги 52 нафар иккинчи жаҳон уруши ноғирони ва қатнашчиларига байрамларда совға-салом топшириш аънаёнага айланган. Хотира ва қадрлаш кунинда Президентимиз фармони билан уларнинг ҳар бирига 300 минг сўмдан мукофот пули ҳамда ҳомийларнинг совға-саломлари байрамона руҳда топширилди. Тизимда амалга оширилган ислохотлар, айниқса, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси сифатида фаолиятимизни давом эттираётганимиз иш сифати ва самардорлигини оширмоқда. Ходимларнинг меҳнат шарафига яшилгани, бўлим биноси ва хоналар ҳомийлар ёрдамида тўлиқ таъмирдан чиқарилди, 6 млн. 420 минг сўмга қайта жиҳозланди. Туманимизда ўтган вилоят миқёсидаги ўқув-амалий семинари иштирокчилари фаолиятимизга юқори баҳо беришди.

Айни кунда тайинланаётган ҳар бир пенсия иши тўлиқ текширишдан ўтказилиб, асослигини таъминланган ҳолда тўловга берилмоқда. Жорий йилда 331 нафар пенсионер ва нафақахўрга белгиланган муддатда пенсия ва нафақалар тайинланиб, тўлов амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг «2011 - 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориде ёлғиз кексалар, пенсионер ва ноғиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзини яхшилаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилган. Ушбу мақсадни рўёбга чиқаришдек савобли ишга саховатли тadbиркор ва ҳомийларни жалб этаямиз. Улар кўмағида ёлғиз кекса ва ноғиронлар уй-жойи таъмирланмоқда.

Муҳими, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионер ва ноғиронлар қайта рўйхатдан ўтказилиб, уларга эътибор ва ғам-хўрликни кучайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мақсуда РАЖАБОВА, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Шофиркон туман бўлими бошлиғи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон темир йўллари ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари Хоразм вилоятининг энг чекка ҳудуди бўлмиш Гурлан тумани Шоликор қишлоғидаги фермер хўжаликлари дала-ларида бўлиб, пахта йиғим-терими иштирокчиларига яратилган шароит билан қизиқдилар.

Ишининг кўзини билладиган фермерлар сув танқислиги ва бошқа табиат инжиқликларини мардонавор энгиб, мўл ҳосил этиштирдилар. Жумладан, «Муҳандис» фермер хўжалиғи вилоятда биринчилардан бўлиб пахта топшириш бўйича контрактация шартномасини ошириб бажарди.

— Йил бўйи қилган меҳнатимизнинг самарасини кўраймиз, — деди фермер Улуғбек Болтаев. — Бу хўжалигимизнинг иқтисодий ривожланишида катта ўрин тутди. Пахтадан келатган мўмай даромад ҳисобига ҳудудимиздаги ҳам таъминлаш оилаларга кўмаклашмоқдамиз; таълим-тарбия масканларига ҳомийлик

Меҳнаткашларга елкадош бўлиб

ёрдами кўрсатилмоқда. Қолаверса, фойдамиз ҳисобидан машина олиш, хорижий давлатларга саяҳат қилиш каби эзгу ниятларимиз бор.

Меҳмонлар Расул Ҳасанов бошчилигидаги «Ихлосбек» фермер хўжалиғида ҳам ҳосил тўйи устидан чиқилди. Касаба уюшмалари вакиллари фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган 30 дан зиёд илгор теримчиларга қимматбахо совғалар топширишди. \*\*\*

Зомин тумани далаларида меҳнат қилаётган пахтакор ва ҳашарчиларга ҳар томонлама шароит яратиш ва уларни рағбатлантириш борасида касаба уюшма фаол-

лари яқин кўмакчи бўлишмоқда.

— Дала меҳнаткашларига зарур меҳнат ва дам олиш шароитини яратишга жиддий эътибор қаратганимиз, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари Зомин туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Эргаш Алламурад. — Касаба уюшма маблағи ҳисобидан ҳашарчиларга 2 миллион 15 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Илгор теримчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Терим пуллари ҳар кун даланнинг ўзида тарқатилляпти. \*\*\*

Тошлок туманидаги Анорхон Ҳотамова раҳбарлик

қилаётган «Аббос Мирза» фермер хўжалиғида шў ҳақи ўз вақтида тўланаётганлиги учун иш юритувчи Азизбек Мадраҳимов, теримчилар Замира Исомиддинова, Зубайда Юнусова, Санобар Тилаволдиева, Сотволди Тилаволдиевлар пахта теришида бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

— Даладаги ҳосилни чамалаб, яна 10 тонна пахта топширишга аҳд қилганимиз, — дейди А. Ҳотамова. — Қанча кўп ҳосил этиштирсак, даромадимиз ҳам шунга яраша бўлади. Нафақат мен, хўжалигимиз аъзолари ҳам бундан манфаатдор. Оладиган даромадимизни хомчўт қилиб кўрдик: Худо хоҳласа, уй қуриш, тўйлар

қилиш, машина сотиб олишни кўзлаб турибмиз. \*\*\*

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан шу йилнинг 20 сентябр кунин Поп туманида йиғим-теримда иштирок этаётган бир гуруҳ теримчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Чунончи, тумандаги Кенгаас қишлоғида соғлиқни сақлаш ходимларига ош торттириб, концерт уюштирилди. «Ўткирбек, Санжарбек, Шаҳзода» фермер хўжалиғи дала шийпониде таниқли санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артистлари Рихис Иброҳимова, Азиза Бегматова, Марям Ихтиёрова ва Тўти Юсупова билан учрашув ўтказилди. Илгор теримчиларга 3 млн. 105 минг сўмлик совғалар топширилди. \*\*\*

Юртимиз пахта далаларида теримчи ва ҳашарчилар ҳолидан хабар олиш ва уларни рағбатлантириш тadbирлари маҳаллий ҳокимликлар, жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан давом эттирилмоқда.

Ўз мухбирларимиз

Оталиқдаги соҳа

Аслини олганда, фермеру миришкорларнинг иши қизиган кунларда даласидан ташқарига чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Борди-ю, шундай бўлса ҳам, бунга анчагина арзирли сабаб бўлиши керак. Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан тармоқ фидойилари учун туҳфа сифатида байрам дастурхонини ёзаётганини эшитганча, «Турпоқнинг ҳидини бемалол туйиб юрганимнинг ўзи катта байрам» дегувчи бобнон дехқон, пиллақору миришкорлар ҳам Бобур боғи оғушидаги «Висол» тантаналар мажмуига ошқинишди. Чунки кўнгилга яқинлар билан дийдорлашув ҳам дилларни тоғдек юксалтирувчи туҳфадир.



Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий, ёрдамчи дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, қишлоқ жойларда чорва моллари бош сонини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини этиштиришни кенгайтиришда қўл келмоқда.

«Бодроқ парранда» тажрибаси

Сирдарё вилоятинида ўтган давр давомиде қорамоллар сонини 22 минг бошга ўсиб, чорвачилик соҳаси кенг ривожланди. 237 та чорвачилик, 127 та паррандачилик лойиҳаси қўллаб-қувватланиб, банклар томонидан кредитлар ажратилди.

Вилоятда паррандачилик соҳаси ривожига қўл уриб, юрт фаровонлиғига ҳисса қўшаётган қишлоқ тadbиркорлари тобора кўпаймоқда. Сайхунбод туманидаги «Олғабос» қишлоғида истиқомат қилувчи Зафар Қурбонов ана шундай ишбилармон инсонлардан. Зафар 2009 йили Қашқадарё вилоятинида бўлиб, у ердаги тажрибали паррандабоқарлар билан яқиндан танишди. Курка боқиб, мўмай даромад топаётган фермерлардан соҳа сирларини пухта ўрганди. Қишлоғига қайтганча, паррандачиликка илтимослашган «Бодроқ парранда» фермер хўжалигини ташкил этди. 100 бош курка сотиб олиб, парваришлади. Паррандалар сони қисқа фурсатда 1000 тага етди. Фермер 5-6 ойлик куркаларни сотиб, бундан 7 миллион сўм даромад топди.

— Курка беозор парранда, — дейди Зафар Қурбонов биз билан суҳбатда. — У далада худди қўй-қўзидек ўтлаб, ўз озуқасини топиб ейди, тез кўпайди. Мен ўтган давр давомиде вилоятимиз аҳолисига 7 тонна парҳезоб гўшт етказиб бердим. Ҳозир куркаларга товуқ туҳумини ҳам бостиряпмиз. Натижада курка ҳам, товуқ ҳам кўпайиб, паррандалар сони ошмоқда.

«Бодроқ парранда» фермер хўжалиғида парваришланган курка хўжалари бугун Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боевўт, Сардоба, Сирдарё, Ховос туманларидаги миқжозларга етказиб берилляпти.

Фермер хўжалиғи «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими томонидан қўллаб-қувватланиб, амалий ёрдам берилмоқда. Банк томонидан 9 миллион сўм кредит ажратилди.

— «Бодроқ парранда» фермер хўжалиғида 15 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Раҳмон Маматқулов. — Келажакда фермер хўжалиғи фаолиятини янада кенгайтириш режамизда бор. Бу яна 10 та иш ўрни яратиш имкониятини беради.

Анорбой НОРКУЛОВ

Пилладек оппоқ қадр

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллиғи, оқ олтин хирмонидан ғалабалар кутаётган тароватли кунларда эришган ютуқларимиздан фахрланишга, бунинг сабабчиси бўлган бунёдкор халқимиз вакиллари билан байрам қувончини баҳам кўришга интилдик, — дейди «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиғига 20 йил» эсдалик нишонини соҳибни, тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Аъзамжон Ҳайдаров.

Соҳадорларнинг қўлчилиғи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани эса навбатдаги вазифалар, эзгу мақсадлар учун йўланмадир. — Юк кўтарган юзага чиқади, деганлари рост экан. Меҳнатимиз орқасидан мустақиллик сабаб қадр топяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллақору Ҳабиба Бўрибоева. — Биз каби меҳнаткашларга касаба уюшмалари томонидан шундай гўзал байрамларнинг ташкил этиб бериллятгани ҳам тушнинг ўнгдан келишига ўхшайди.

Ипак куртининг ҳар қимиридан минг жони ҳалак бўлган Ҳабиба опа ҳам оддий қишлоқ аёли. Наманган туманининг Пасқия қишлоғида қўлчиликка ибрат бўлгудек умр йўлини босиб ўтаётган, беш фарзандини эл қаторига қўшган опа «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллақору» деган шарафга ноил бўлишни кутмаганди ҳам. Қарангки, бу бахт Истиклолнинг 20 йиллик тўйида содир бўлди: — Уйимизга фермеримиз Ало-

матхон Тўйчиева қўлида газета ушлаганча, қувониб кириб келди. «Опа, сизни табриклагани келаямми...», дейди. Сабабини билган, бўғзимга нимадир тикилгандек бўлди. Юртимизнинг ҳам, Юртбошимизнинг ҳам елкасидан офтоб аримасин, деб дуо қилдим.

Салкам эллик йилдан бери ипак куртининг кўзларига термулиб, дардлашувчи Меҳринисо Тўхлибоева ҳам худди Ҳабиба опа сингари дуодан тинмаепти.

— Қўшниларим ҳар кун уйимизга «Медалингизни ҳали беришмадим», беришса, чақиринг, биз ҳам кўрайлик», деб чиқадиған бўлишган. Пиллақорлик орқасидан «Шухрат» медалига сазовор бўлиб турибман, — дейди у қувонч билан. — Ҳаётим шу иш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳазиллашув, курт билан бирга келин бўлганимиз, дейман: янги келинчақ эдим ўшанда. Дугоналарим билан пахта яганалаб юрган эдик. Раҳбарлар келишди, курт боқимизни айтишди. Уша йили тўққиз грамм куртдан 33 кг. пилла олдик. Энг кўп уйган хирмоним 203 кг. бўлган. Бу йил 33 грамм ипак курти боқиб, 104 кг. пилла топширдим.

Дугоналарим кенг ерларда яйраб вақт ўтказишганда, тор хоналарда куртка барг ташиб юрардим. Меҳнатимга ҳақ олган, олмаган кунларим ҳам бўлди. Баззан алдандик ҳам. Аммо куртларнинг шивир-шивирини эшитганда, бошларини кўтариб, кутиб олаётганларини кўрганда, ҳаммаси унут бўлиб кетди. Яна баҳор келиши билан ўзимиз югуриб бориб, олиб келаварардик. Юкни бўлиб қолган вақ-

тларим, турмуш ўртоғим рухсат бермаслиғидан чўчиб, бригадирга: «Отаси йўқлиғида ташлаб кетинглар» деб илтимос қилардим. Аммо шунча меҳнатимиз ҳеч юзага чиқмади. Дарёларнинг бўйида эдим, қилганларим сувларга оқиб кетдим, деб қўярдим. Аммо ҳамма яхшилиқлар олдинда экан.

Бахтнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Меҳринисо опанинг қувончига нафақат ахсилликлар, балки Тўрақўрғон туманида яшовчиларнинг ҳам кўнглига йўл топиб борди. Улар элдошлари билан фахрланишмоқда. Чунки Ҳабиба опа-ю Меҳринисо опаларнинг плёнқа остида боқайётган куртлари меҳрибонларига пилладек оппоқ, қумуш толарлардек соф қадр келтиришди.

— Вилоят қишлоқ хўжалик соҳаси мамлакатда салмоқли натижалар кўрсатмоқда, — дейди «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиғига 20 йил» эсдалик нишонини соҳибни, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси бошлиғи ўринбосари Боситхон Турсунов. — Пилла ва пахта этиштиришдан ташқари, галлачиликда ҳам ютуқларга эришяпмиз. Истиқлол йилларида айни шу соҳада хосилдорлик кўрсаткичи 17 центнердан 80 центнергача ўсди. Бу, албатта, дехқонларимизнинг самарали меҳнати сабаб. Бугун кўксимизга ишонч ва эзгулик ҳамроҳлиғида таққилган нишонлар шу меҳнатнинг зафарларини янада мустаҳкамляпти.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Жиззах вилоятинида жорий йилнинг ўтган олти ойинида мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, 18 мингта янги иш ўрни яратилди. Эндилликда ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 77 фоизи хусусий сектор уллушига тўғри келмоқда.

Қандолатдан адрасгача

Яқинда «Жиззах кўхи-нур» қорхонаси базасида «Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим!» акцияси ташкил этилди.

— Дастлаб қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан иш бошланган жамоамизда бугун атлас, адрас ишлаб чиқаришмоқда, — дейди қорхона раҳбари, тadbиркор Холисхон Бобоева. — Воҳамизда этиштирилган 60 тонна пилла хом ашёсини шартнома асосида қабул қилдик. Йилга 300 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эгамиз. Ундан 70-75 тонна тола ишлаб чиқарилади. Қорхонада ишлаб чиқарилаётган

тайёр маҳсулотнинг 60 фоизини чет мамлакатларга экспорт қилиш мўжжалланган. Бугун миллий либос — адрасга ички бозоримизда ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда кимё, мебел, енгил саннат каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан икки баробарга ўсди.

Тadbирда харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган хусусий сектор вакиллари билан бир гуруҳи рағбатлантирилди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Яккабоғ қорабайирлари

— От йигитнинг йўлдоши, — дейди эркин кураш бўйича бир неча бир Ўзбекистон чемпиони, нишонлик Жобир полвон Яздон. — Бир неча йилдан бери от боқиб, пойғаларда иштирок этаман. Улашмурод Эргашев, Собир Раҳимов сингари чавандоз дўстларим билан фахрланишаман. Улар даврага кирдимми, улоқ олмадан чиқмайди.



— Яқинда ўзим туғилиб ўсган Яккабоғ туманида бўлганимда, — дейди моҳир чавандоз Собир Раҳимов, — отчилик хўжалиғи ташкил этилганини эшитиб севиндим. Бориб кўрсам, уор-уор йилқилар боқилаётган экан.

Таърифни бугун мамлакатга ёйилган «Яккабоғ қорабайири» масъулияти келанган жамиятнинг ташкил топганига тўрт йилдан ошди. Бу ерда улоқ, пойга ва спортбоп отлар боқилмоқда. — Отларимиз сони 200 тадан 250 тага кўпайди, — дейди хўжалик раҳбари Мах-

матқул Қудратов.

Яккабоғ қорабайирларининг шухрати йилдан-йилга ортиб бораепти. Хўжаликда парваришланаётган «Бургу», «Тайга» лақабли отлар 2008 йилда бўлиб ўтган «Асрлар садоси» фестивалида совринли ўринларни қўлга киритиб, воҳа чавандозлари доврўғига доврўқ қўшди.

Иззат ҲИҚМАТОВ

«Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» анъанага айланган ушбу касаба уюшма тadbирини бу йил ҳам ўтказилди



Ўзбекистон темир йўллари тасарруфидаги «Темирйўлчиларнинг аҳоли хўжалиғи» бошқармаси касаба уюшма кўмитаси томонидан ишчилар ўртасида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шиори остида мусобақалар уюштириш яхши анъанага айланган.

«Хўжакент» дам олиш масканида ўтказиладиған ушбу мусобақа иштирокчилари сафи йил сайин кенгаймоқда. Беш йил олдин ўтказилган дастлабки беллашувларда 8 оиладан 32 киши қатнашган бўлса, Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиғига бағишлаб ўтказилган бу йилги тadbирда 22 оиладан 90 киши иштирок этди. Улар сузиш, стол тенниси, дартс, арқон тортиш, югуриш ва бўйиб бўйича мусобақалашилди.

Кизгин курашлар остида ўтган беллашувларда Зулфия Умрзоқова, Дилшод Бўтаев, Мавлуда Менглибоевалар оилалари «Энг зўр спортчи оила» деб топилди.

Адхам ДАМИНОВ



"Ishonch" sиз uchun, faqat sиз uchun!

Обуна — 2012



5 сентябрдан эътиборан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2012 йил учун обуна мавсуми бошланди. Обунанинг қай даражада муваффақиятли яқун топиши кўп жиҳатларга боғлиқ бўлиб, у авваламбор бизнинг маданий-маърифий савиямизни синовдан ўтказиши билан катта аҳамиятга эгадир.

боғбон қўлида парвариш топган ниҳол каби сершоҳ, серсоя ва албатта серхосил дарахтга айланиб, кўпчилики баҳраманд этади.

Имтиёз бор. Шарт шуки...

Энг ашаддий обуначиларимиз — касаба уюшма фаоллари билан таҳририят жамоаси ўртасида бўлган дери ҳар учрашувда шу гап такрорланади.

Агар маблагдан ютмоқчи бўлсангиз, уч ой, ярим йил деб ўтирмадан, бирваракайига бир йилга обуна бўлинг...

Сабабини қуйида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Хабарингиз бўлса, «Ishonch» газетаси аввалги йилдаги сингари 156 марта чиқади ва бунинг учун таҳририят белгиланган обуна нархи 74880 сўмни ташкил этади. (Бу албатта, «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ хизматлари учун белгиланган харажатлардан ташқари). Агарки, уч ойга ёхуд ярим йилга дея бўлиб-бўлиб обуна бўлганнинг ҳолда шунча маблаг тўлайсиз. Борди-ю, «кўтара савдо» қабилида иш тутиб бир йилга обуна бўлсангизчи? Бу ҳолда имтиёз шартлари таомилга кириб, 74880 сўм эмас, 62400 сўм тўлайсиз. Бошқача айтганда, шунинг ўзидан 12 минг 480 сўм ютасиз. Жамоа аъзоларининг хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, 2 та ёки яна ҳам кўпроқ газетага обуна бўлсангиз, миқдорга қараб яна ҳам салмоқлироқ маблагни тежаб қолишга эришасиз.

«Ishonch-Доверие» газетасига нисбатан ҳам шу гапни такрорлаш мумкин. Чаканалаб қилинган бир йиллик обуна нархи 37440 сўмни ташкил этгани ҳолда, 30160 сўм тўлаб бир йилга расмийлаштирилди-ю, 5280 сўм тежаб қолинади. Обуна сони кўпайгани сари ютуқ ҳам ортиб бораверади.

Яна бир янгилик шундан иборатки, 2011 йил учун обуна мавсумини яхши ташкил этган ҳудуддан 2 тадан касаб уюшма ташкилотлари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига таҳририят ҳисобидан бепул обуна қилинадилар. Таҳририят фаол ташкилотчилар учун яна бошқа раббатлантувчи мукофотлар жорий этишни мўлжалламакда.

Албатта, биронинг чўнтагига Биров ҳўжайин эмас. Лекин биз бир-биримизга қайишсаккина, ишларимиз бароридан келиши ҳам бор гап. Модомки, касаб уюшма ташкилотлари ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти амалга ошираётган ишлар бир мақсадга йўналтирилган экан, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим.

Дарвоқе, ўз газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Эслатиб ўтмиш: «Ishonch» сиз учун, фақат сиз учун!

Зайниддин РИХСИЕВ

Биз 35 мингдан зиёдмиз

Очиги, бизларга бошқа таҳририятдаги ҳамкасбларимизнинг ҳаваси келади. Сизларга маза-да, деб қўйишди баъзан. Нега назалигини ўзимиз ҳам яхши биламиз. Чунки...

Республикамизда 7 миллионга яқин касаб уюшма аъзоси бор. Улар фаолият кўрсатаётган соҳаларига кўра у ёки бу тармоққа бирлашган бўлиб, бевосита мулоқотда бўладиган, яхши-ёмон кўнларига сунячиликка ярайдиган 35 мингдан зиёд бошлангич ташкилот ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларда мустақам қалқон вазифасини астойдил адо этиб келаётир. Бу демокки, улар ўз нашрлари бўлмиш «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига биттадан обуна бўлганларида ҳам...

Ҳисоб-китобини олиш учун оддий арифметикани ўқиганлик кифоя. Ками билан 35 мингга обуна амалга оширилди!

Шу ўринда «қарс икки кўлдан» деган нақл бежиз айтилмаганини эслашга тўғри келади. «Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага», ... «Бошлангичда нима гап?», «Жамоа шартномалари: улар қандай бажарилмоқда?», «Касаба уюшма сиртки мактаби», «Ишлар қалай, йш етакчи?», ... Бу ва бу каби рункларнинг ўзи йнгирмадан ошадди. Лоақал «Касаба уюшмасига аъзолик афзаллиги» рунки остида газетамизда чоп этилаётган мақолаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ташкилот олдига турган бери-бирдан долзарб вазифаларни бири-бир мушоҳада қилиб кўрайлик...

Ҳаёт деб аталмиш сир-синоатларнинг ўткир қирраларида ўз аксини топган инсоний кечиналарнинг барча-барчаси ҳеч бир муболагасиз касаб уюшма фаолияти билан шу

қадар жипс боғланиб кетганки, агар таъбир жоиз бўлса, унинг қадами етмаган жойни, унинг сўз малҳамини ҳис етмаган қалб эгасини топиш қийин. «Касаба уюшмасига аъзолик афзаллиги» рунки остида берилган мақолаларда бунга эришиш йўлида ташкилот етакчи ва фаолларнинг жонбозликлари натижасида муаммоларга қандай қилиб ечим топилаётганини газета саҳифаларидан тушмаслиги пайида бўлинаётир.

Ёки Федерация кенгашининг қўллаб-қувватлаши билан вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмалари қошида ташкил этилган «Ҳуқуқий маслаҳатхоналар» фаолиятини олиб кўрайлик. Ҳамма нарса пулга қақилаётган бир шароитда бепул юридик маслаҳатни яна қаердан олиш мумкин?!

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатлари томонидан қабул қилинган Мурожаатдан сўнг мамлакатимиз бўйлаб бошланган кўчат экиш ҳаракатининг ўзи унча-мунча саово ишлардан кўп бор устун туради. Тасаввур қилинг-а, 2011 йилнинг кўкламида Хизр назари тушган она заминимизга қадалган ниҳоллар яна 3-4 йилдан сўнг қай даражада бўй чўзиб, қай тахилт ҳосилга қиради? Шубҳа йўқки, Боёвут туманида барпо этилган «Ishonch» боғи ҳам улар қаторида кўрк очиб туради.

Демокчимизки, қўли ҳам, тили ҳам узун бўлган энг кўп сонли жамоат ташкилотининг обуна мавсуми билан боғлиқ ишлари ҳам ибратга лойиқ бўлади. Қолаверса, буни тарғибот фаолият қўламага яраша бўлмоғи кераклигини ҳам тақозо этмоқда. 35 мингдан зиёд бошлангич ташкилотга эга бўлган касаб уюшмалари салоҳияти ҳақида, шўкрки, бундан бошқача гапириш қийин.

Фаолларга рағбат муносиб

Биз юқорида қўллаб таҳририятлар ҳавас кўзи билан қарашларини зикр этиб ўтдик. Дарҳақиқат, касаб уюшма ташкилотларида хайрли ишларга сидқидилдан ёндашиш оддий бир ҳолга айланган бўлиб, айниқса, бу обуна қизгин тус олган пайда кўзга аққол ташланади. Бошқача айтганда, «Ishonch» менинг газетам, менинг нашрим деган ақидага риоя қилинади. Натижада, гарчанд маълум сабабларга кўра обуна нархи тобора кўтарилиб бораётганига қарамай, йил бошида газета нусхаси 20 мингдан кам бўлмаётир.

Таҳририят ҳам бу жонбозликни иложи борича беъэтибор қолдирмасликка ҳаракат қилмоқда. Узоққа бориб нима қилдик, «Ishonch» газетаси чиқа бошлаганига 20 йил тўлиши муносабати билан ЎзКУФК Ўқув марказида ўтказилган тантана асноси обуна жараёнида ўзини кўрсатган фаол ташкилотларга таҳририят совғалари топширилди. Фарғона, Қашқадарё ва Самарқанд вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши, Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси вилоят кенгашларидан бир йўла учтаси — Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона вилоят кенгашлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Жиззах вило-



яти кенгаши, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаб уюшмаси Андижон вилоят раислар кенгаши, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти кенгаши замонавий факс аппарати билан тақдирланди.

Ўтган йили обунани намунали ташкил қилган Ромитан, Жондор ва Пешку туманлари тиббиёт бирлашмалари касаб уюшма кўмитаси раислари Нодир Қазоқов, Иззат Боймуродов ва Шўхрат Очиловлар вилоят тармоқ кенгашининг Фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти билан тақдирландилар. — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши раиси Шавкат Султонов. — Бугина эмас. Шунингдек, 11 та кам маблагли тиббиёт профилактика муассасалари вилоят тармоқ касаб уюшма кенгаши ҳисобидан обуна қилинди.

Ким нима деса, десин-у, ибрат барибир яхши — бир саово ёнига ўн саово қўшилади, эзгулик миришкор

Янгиликни илғашга ташналик ҳар биримизни изланишга, ўқиб-ўрганишга ундайди. Ахборот олишга, теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлишга иштиёқимиз баланд. Ана шу эҳтиёжимизни қаноатлантиришда беминнат дастурлар хизматидан фойдаланамиз, албатта.

Рақобатчи эмас, ҳамкормиз

Қўшработлик ўқитувчи Ҳамидулла Эгамов матбуот муҳлисларидан бири. Қундалик нашрларни ўқиб-қузатиб, ҳолис фикр-мулоҳазаларини баён этиб боришдан сира қарчамайди. Ҳар йили турли нашрларга ёзилиб, эринмасдан уларни йиғиб боради.

Биз газеталарга намунали хизмат кўрсатиб келаётган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд вилоят филиали беминнат хизматидан мамнунмиз, — дейди Ҳамидулла Эгамов. — Марказий нашрлар минглаб қаҳирим масофадан энг олис кишлокларга етиб келаёти. Ҳар тонг пойтахтда ва вилоятимизда чоп этиладиган газеталарни қўлга олганимизда, баҳри дилчимз очилади. Юртдошларимиз йўу фикрларидан бохабар бўламиз.

аллақачон бошлаб юборилди. Абдуғани Саидов, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали обуна бўлими бошлиғи: — Вилотимизда барча обуначиларга эркин танлаш имконияти яратилган. Ҳар учала ташкилотнинг ҳам мақсади битта. Мижозга намунали хизмат кўрсатишдан иборат. Масалан, «Ishonch» газетасига обунанинг 60-70 фоизи бизнинг ташкилотимиз ҳиссасига тўғри келади. Газетани муттасил ўз фурсатида муштарийларига етказиб бериш чора-тадбирларини кўрялмиз. Бунинг учун имкониятлар етарли. Барча туман бўлимлари автотранспорт воситалари билан таъминланган. Энч чекла хонадонларга ҳушхабарчилар газеталарни етказиб берапти.


Майсара Қосимова, вилоят «Матбуот уюшмаси» МЧЖ обуна бўлими бошлиғи: — Ҳеч маҳал турдош корхоналарни ўзимизга рақиб санамаганмиз. Ташкилотимизнинг барча туман, шаҳар участкаларида, «Матбуот» киоскаларида, корхона, муассаса ўқув юрлари жамоатчилари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусий тадбиркорлар ва жамоатчи тарқатувчилар орқали обунани

ташкил етаямиз. Дам олиш кунларисиз ишлаймиз. Наталья Книжнова, «Век информа» обуна қилиш ва ахборотни тарқатиш агентлиги раҳбари: — Газета ва журналларни энг арзон нархларда манзилга етказишни тақлиф этамиз. Муддао газеталарга қўлайликлар яратиш орқали улар ишончини қозониш. Эндигина тетапоя бўлган ташкилотимиз келажаги олдинда. «Ishonch» муштарийлари ҳам бизга ишонини мумкин.

Газетамизнинг самимий дўсти, муҳлиси Пайрағчи туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаб уюшма кўмитаси раиси Раҳмат Маҳмудов энг шимаришга киришганлигини хабар қилди. У одатдагидек бу йил ҳам «Ishonch» обунасини 120 нусхага етказишга бел боғлаган. — Туманимиз тармоқ ходимлари почтаси «Матбуот уюшмаси» МЧЖ хизматидан фойдаланади, — дейди Раҳмат Маҳмудов. — Шу чоққача мазкур ташкилотлар хизматида нўрсонларга дўл келмаганмиз. Бу йил ҳам улар билан ҳамкорлик қиламиз. Самарқандда обуна мавсуми аяна шундай қизгин киришилди. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Ким кимни алдаяпти?

Ёҳуд 18 километрлик манзилга 18 кунда етган мактуб



Бугун жамиятни ОАВсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, газета-журналларга эҳтиёж ўзгача. Ҳар бир нашр обуначиларини кўпайтириш учун тарғиботга катта эътибор қаратади. Аммо кўпчиноа обуна қилинган, газета муштарийларнинг қўлига вақтида тегаётгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

Ёзда почта орқали хат олдим. Конвертга назар солсам, Жиззах почтасидан мактубга жўнатиш жойи тақвим тамғасида 30.06.11 санаси кўрсатилган бюортма мактуби 4945 рақамли Гагарин шаҳрига 02.07.11 йилда етган бўлса, «Янгидала» ҚФЙга келгунча (Гагарин шаҳридан ўн саккиз километр масофада жойлашган) ўн газетик кун йўл босибди. Энди обуначиларга газеталар қай тарзда етказилаётганлигини тасаввур қилинг. Фермерлар эса ҳар сафар пул тўлашсада, кечикиб келишини кўя туринг, ҳатто газета юзини кўришмайди. Негаки, «Жиззах почтаси» Мирзачўл бўлимида раҳбар ва почтачилар алмишини одатий ҳолга айланган. Бу ерда асосан пенсия тарқатиш билан шуғулланилади. Тумандаги 20 та мактаб, 13 та МТМ ва бошқа муассасалар бироз арзон деган ўйда «Матбуот

тарқатувчи» МЧЖ Мирзачўл обуна бўлими орқали газета ва журналларга обуна бўлишганди. Бирок улар чув тушишди. Мисол учун, бу йил 8-мактаб жамоасидан 1700000 (бир миллион етти юз минг) сўм бўлимга ўтказилган. Бирок 20 та газета-журнал ўрнига 4 та газета олинапти, холос. Июлнинг охирида Мирзачўл туман АРМда бўлганимда, улар Жиззах педагогика институти томонидан 12 турдаги газета ва журналга «Матбуот тарқатувчи» Мирзачўл бўлимидан обуна қилинганга ва газеталарнинг охириги сонларини апрел ойида олишганлигини айтишди. Мисол учун, сўнгги бор «Маърифат» газетасининг 20 апрел, «Соғлом авлод» газетасининг 14 апрел, «Туркистон» газетасининг 20 апрелдаги сонлари келган. Афсуски, тумандаги обуна билан шуғулланаётган мазкур ташкилотлар ишини ўлда-жўлда қилиб бажараётганлиги ҳеч кимни қизиқтирмапти. Ким кимни алдаяётганлигини билмадиму, лекин туман почтаси ва «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ бўлими обуначилари билан ҳисоб-китоб қилиши шарт! Чунки 2012 йил учун обуна мавсуми бошланди.

Раҳимбек ШАРИФЗОДА, Мирзачўл тумани

Ташкилотнинг охириги обод бўлсин

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши ва тармоқнинг вилоят кенгашлари жамоалари меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Урал Адилговга акаси ШОБЕК МАРКАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади. Газетанинг навбатдаги сони 27 сентябр, сешанба кўчи чиқади.

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Restoring life to people) featuring 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi' and contact information for various offices and subscriptions.